

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 15-iyun, Payshanba

№ 25 (9241)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАНҚИДИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш бўйича масъулларга курсатма берди.

Хусусан, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар танқидий муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон ҳамда Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаларига қарашли насос станцияларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий сектор бошқарувиغا бериш бўйича қиймати 93,4 млрд. сўмлик жами 27 та лойиҳа битимлари имзоланган. Шундан битта лойиҳа бекор қилинган бўлса, 26 та лойиҳа юзасидан 2022 йилдан шу кунгача 959,7 млн. сўм (9,2%) инвестиция маблағлари киритилди. 17 та лойиҳа бўйича хусусий шериклар томонидан инвестиция маблағлари киритилмаган. 7 та лойиҳа доирасида хусусий шериклардан бир ой ичида инвестиция киритишга такроран кафолат хатлари олинган. Шунингдек, 9 та лойиҳа бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши бўйича хусусий шериклар билан бир қанча мартаба учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилиб, талабнома ва

кафолат хатлари олинганлигига қарамастан бугунги кунга қадар хусусий шериклар томонидан инвестиция киритиш бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Шу боис, мазкур хусусий шериклар билан тузилган битимни суд тартибида бекор қилиб, етказилган зарарни ва ҳисобланган пеняни давлат фойдасига ундириш бўйича судларга даъво ариза киритилди.

Йўналишида вазир мутасаддиларга сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида лойиҳаларни амалга оширишда шерикларга шартнома шартларини бажаришдаги масъулиятини ошириш борасида тушунтириш ва тарбиотни кучайтириш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, йирик насос станцияларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ғ.ОТАЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги матбуот котиби.



ШИЖОАТИНГИЗГА ТАСАННО, НАМАНГАНЛИК ПИЛЛАКОРЛАР!

Бугун Наманганга ташриф буюрган меҳмон амалга оширилаётган улуғвор ишларнинг гувоҳи бўлади, албатта.

Бир томонда обод манзиллар, бир томонда минглаб ишчиларни ўз бағрига олаётган саноат ўчоқлари, чор-атрофда эса ҳосилидан шохлари ларзон боғлар, ўрим авж олаётган олтин ранг ғаллазорлар, тиззага уриб қолган пахта далалари... Кўйинги, вилоятнинг қайси шаҳри, туманига ташриф буюрманг, кўрса кўз қувонадиган қизгин бунёдкорлик устидан чиқасиз.

62-халқаро гуллар фестивали қизгин

давом этаётган айна кунларда Наманганда яна бир хушхабар тарқалди. Вилоят пиллачилари жорий йилги пилла тайёрлаш бўйича шартномавий режани бажарди. Пилла етиштириш мавсумини юксак уюшқоқлик билан ташкил этган "кумуш топа" ижодкорлари қабул масканларига 2 161 тоннадан зиёд сифатли саноат хомашёси топшириб, маррани забт этди. Жорий йилда вилоятда 37 минг 174 кути ипак курти парваришланиб,

ҳар қутидан ўртача 58,5 килограммдан ҳосил етиштирилди ва шартномавий режа 100 фоиздан ошириб ууддаланди. Қўлга киритилган муваффақиятга Поп, Тўрақўрғон, Норин, Наманган, Учқўрғон ва Мингбулоқ туманлари заршунослари муносиб ҳисса қўшди. Айна кунларда ҳудудларда етиштирилган ҳосилни охиригача териб олиш, қабул пунктларига топшириш борасида ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Мен фурсатдан фойдаланиб эришилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча пиллакорларимизга вилоят ҳокимлиги ва жамоамизнинг миннатдорлигини изҳор этаман. Мамлакатимиз ва вилоятимиз равнақи йўлида олиб бораётган хайрли ишларида бундан-да улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Лобархон ЯВМИНОВА,
Наманган вилояти агропилла ҳудудий бошқармаси раҳбари.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

72 ЁШИДА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ

Ҳазорасплик олим Иброҳим ота Қурбонов 72 ёшида фалсафа фанлари доктори бўлган. Олим билан суҳбатлашар эканмиз, "Бешиқдан то қабргача илм изла", "Тўхтаб қолма, доимо ҳаракатда бўл" отахонимизнинг ҳаётдаги шиори эканини англадик.



– Қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қизиқингизга нималар туртки бўлган?

– Мактабда ўқиб юрган кезларимда боғдорчиликка жуда қизиққанман. Отам раҳматлик Қурбонбой Ниёзметов деҳқончилик ва боғдорчиликни жуда севувчи инсон бўлганлар. Болалик пайтларимда кўчатларни пайвандлаш ишларида отамга кўмаклашиб юрар эдим. Мактабда ҳам табиат ҳақидаги фанларни севиб мутулаа қилганман. Шундан бўлса керак, наботат ва ҳайвонат дунёси мени ўзига ром қилган. 1966 йили ўрта мактабни тамомлаган йилим мени колхозга асаларичилик бўйича агроном этиб қўйишди. У даврларда раиснинг айтгани айтган, дегани деган эди. Ёш йигит даврим ўзимнинг ўқиб, ўрганишларим билан асаларичиликнинг ҳам сир-синаотини яхши билиб олдим.

(Давоми 2-саҳифада)



СУД-КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Суд-компьютер техникавий экспертизаси амалиётининг таҳлили бугунги кунда ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ёки компьютер ахбороти соҳасида содир этилган жиноятлар йил сайин ортиб бораётганлигини, айниқса, рақамли маълумотларга рухсатсиз кириш, турли қурилмалардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, тўлов тизимлари ва банкоматлар ёрдамида фирибгарлик, болалар порнографиясини яратиш-тарқатиш ва бошқалар каби соҳаларда содир этилган жиноятчиликлар сони ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Содир этилган жиноятларни фош этишда ҳар томонлама ва объектив экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун ҳар хил турдаги қурилмалар ва ахборот технологиялари воситаларидан ишончли, рақамли далилларни олиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулaimонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг "Суд-компьютер техникавий экспертизаси" бўлими жамоаси ҳам суд-тергов идоралари томонидан тергов қилинаётган ишларга ҳамда фуқароларнинг муносабатларига кўра ишга алоқадор рақамли технологиялардан ишончли далилларни олиш ҳамда уларни фош этишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Масалан, фуқаро Б.М. дан таниши К.С. СМС хабар орқали қарзга пул сўраб, қарзини 2 ой ичида қайтаришини айтган. Орадан 2 ой ўтиб, фуқаро Б.М. таниши К.С.нинг телефон рақамига кўнғироқ қилиб, у билан боғлана олмаган. Шундан сўнг фуқаро Б.М. ички ишлар органига таниши К.С. устидан ариза билан муносабат қилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА

Ким Эллиққалъа тумани марказига борган бўлса, у ерда ўқувчисини етаклаб кетаётган ўқитувчи сиймоси акс этган ҳайкални албатта кўрган чиқади.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Матназар Абдулҳакимнинг устозларга бағишланган "Дардан сўнг" шеъри ҳақидаги ёдгорлик ўша даврда туман ҳокими бўлган Неъматулла Худойбергенов ташаббуси билан бунёд этилган.

Яқинда "Дўрмон" ижод уйида адабиёт конюяри, маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Неъматулла Худойбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб чоп этилган "Эллик биринчи қалъа" номли китоб тақдимоти ва адабий кеча ўтказилди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиёт илҳосмандлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузқолиев олиб борди. Тақдимотда ижодкорлар Мухаммад Али, Махмуд Тоир, Аҳмадjon Мелибоев, Нурали Қўбел, Сирожиддин Рауф, Шўхрат Жабборов, Камол Матқубов, Турсун Али, Рустам Мусурмон сўзга чиқиб, Неъматулла Худойбергеновнинг адабиёт шайдоси ва ҳомийси эканига алоҳида урғу берди.

(Давоми 2-саҳифада)

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Жорий йилнинг 12 июнь кунини Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Бухоро вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарига пресс-тур ташкил этилди. У ерда журналистлар банкнинг молиявий кўмағида ишга туширилган лойиҳалар ҳамда уларнинг иқтисодий ва экологик аҳамияти билан таништирилди.



ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК КЎМАГИДА ЙИРИК КОРХОНАЛАР ИШГА ТУШИРИЛАЁТИР

Президентимиз раислигида шу йилнинг 10 январь кунини саноатни ривожлантириш ҳамда кўшимча захираларни аниқлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йўналишида соҳанинг иқтисодиёт ва аҳоли бандлигида тутган ўрни таҳлил қилинди. Саноат тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг айрим турларини "драйвер"га айлантириш юзасидан топшириқлар берилди. Ўзсаноатқурилишбанк томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги саноат зоналарини барпо этишда, ташаббускорларга истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда яқиндан кўмаклашилмоқда, кўшимча ресурслар жалб қилиниб, фаол молиялаштириш чоралари кўрилмоқда.

Пресс-тур дастурига кўра, ОАВ вакиллари дастлаб шу йилнинг май ойида иш бошлаган "BUKHARA GOLD GRANIT" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюриб, табиий пардоз-боб тошларни қайта ишлаш жараёни билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада)



"Инсон доимо ҳаракатда бўлса, кўзлаган маррасига албатта етади"

72 ЁШИДА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ

(Боши 1-саҳифада)

Бир-икки йил тажрибамни оширгач, ўқишга кетмоқчи бўлдим, аммо раис мени кундузи ишдан ажралган ҳолда ўқишимга рухсат бермади. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида имтиҳон топшириб, сиртдан ўқиш бошладим. Болалигимдан кўчат етиштиришга қизиққан туфайли институтнинг 3-курсда тут кўчатларини наводор кўчатлар ҳисобига кўпайтиришни ўйладим ва вилоятимизда бир неча гектар бута тутзорлар ташкил қилдим. Ниҳоят 1973 йилда олиб борган илмий тажрибамни аъло баҳога ҳимоя қилдим. 1975 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ипакчилик факультети декани таклифи билан институт аспирантурасига имтиҳон комиссиясининг танлови асосида қабул қилиндим. 1975-1979 йиллар мобайнида "Хоразм вилояти шароитида ҳалқаланган тут қаламчасидан кўчат етиштириб, бута тутзорлар ташкил қилиш" мавзусида илмий иш олиб бордим. Бирок...

(Шу ерда Иброҳим ота чуқур бир хўрсиниш билан ўша даврларни эслади).

— Мана, орадан 45 йил ўтиб, сиз яна илмга қайтингиз, 72 ёшингизда олим деган мартабага эришдингиз. Э, энди ўқиб нима қиламан, дея қўл силтаб кўйган пайтларингиз ҳам бўлганми?


— Ҳа, орадан 45 йил вақт ўтди, мана, 75 баҳорни кутиб олдим. Аммо мен чекинмадим. Ҳаётимда қандай оғир вазиятлар бўлсада фақат ва фақат олға интилдим. Орада оиламда йўқотишлар рўй берди. Қизим раҳматлик автоава-

рия сабаб оламдан ўтди. Болаларимнинг онаси ҳам бу фоний дунё билан хайрлашди. Агар ўйлаб кўрсангиз, бир одам учун булар зил-замбил юк эди. Ўша даврларда мен яратган тутзорлар пайҳон қилиниб, ўрнида қурилишлар қилинди. Қўлим ишдан совиб кетди. Аммо шундай бўлсада мен ўз қизиққан касбим — кўчатчиликни бир зум ҳам тарк этмадим. Ўз томорқамда бўлсада тажриба олиб бордим. Севган касбимдан бир зум бўлсада узоқлашмадим, қўл силтамадим. Бир кун мақсадимга етишимни билардим. Ва ниҳоят мақсадимга етдим.

— Илмий ишингизни қайтадан тиклашга нимадир туртки бўлдими?

— Ниҳоят 2017 йили мухтарам Прези-

дентимиз тўхтаб қолган илмий ишларни давом қилдириш учун аспирантларга имконият бердилар. 2019 йилда Президент виртуал қабулхонасига мурожаат билан чиқиб, тўхтатиб қўйган илмий ишимни давом қилдиришга рухсат сўрадим ва ижобий жавоб олдим. Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик кафедрасидан илмий раҳбар танлаб, кириш имтиҳонларини топшириб, "Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан наводор тут кўчатларини етиштириш ва бута тутзорлар яратишининг илмий асослари" мавзусида илмий иш бошладим. Камина университет раҳбариятидан шунингдек, ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессор-ўқитувчиларидан миннатдорман. 2020 йилда



яқуний имтиҳонларни топшириб, шу йил 12 ноябрда очик кенгашда илмий ишимни ҳимоя қилдим. Илмий кенгаш аъзолари бир овоздан ҳимоямга аъло баҳо бердилар. Шу йилнинг 30 ноябрь кун, 72 ёшимда қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олдим.

— Иброҳим ота, мана, ниҳоят орзуларингиз амалга ошириб, қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори даражасига етдингиз. Ўқийман, изланаман, деган ёшларга нима деган бўлардингиз?

— Менинг бу қилган ишимдан инсон доимо ҳаракатда бўлса, кўзлаган маррасига албатта етади, деган хулоса келиб чиқади. Қани энди 25-30 ёшли йигит бўлиб қолсам. Ўқийман, илмий иш қиламан, десанг барча шарт-шароитлар муҳайё. 72 ёшимда имтиҳон топшириб, илмий ишимни ёқлаганим кўпчилик ёшларга мотивация берди. Мен бундан жуда ҳам хурсандман.

— Мазмуни суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Болтабой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.



ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА



(Боши 1-саҳифада)

— Мазкур китоб мустақиллик даврида давлатнинг турли идораларида самарали фаолият юритган инсон, Эллиққалъа тумани ривожини ва равнақини йўлга қўйдик, — дейди "Golden food" МЧЖ директори ўринбосари Эркин Жўраев. — Унга кўра, хўжалигимизда инкубатор ёрдамида бир йилда 350 минг бош бройлер жўжа олиниб, 150 та хонадонга тарқатилмоқда, етилганда эса, яна қайтариб сотиб олинмоқда. Мақсадимиз аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш ва бандлигини таъминлашдан иборат.

2020 йилдан буён "Golden food" корхонаси томонидан парранда етиштириш мажмуасини барпо этиш, жиҳозлаш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган ҳар бир лойиҳага Ўзсаноатқурилишбанк молиявий мадад бериб келмоқда.

Парранда озуқасини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган умумий миқдори 750 минг долларлик лойиҳа учун ҳам банк томонидан Туркия технологияларини ўзлаштириш мақсадида кредит ажратилди. Бугунги кунда корхона томонидан ушбу йўналишда 20 та иш ўрни яратилди, йилга 24 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаётган.

Банк ахборот хизмати.

Неъматулла Худойбергенов 1952 йил 27 августда Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманида туғилган. У 1998-2017 йиллар давомида Эллиққалъа туманида Ўзбекистон Республикаси ёш ишқорларнинг аъъанавий "Ақчақўл илҳомлари" танлови ҳамда буюк ҳофиз Отажон Худойшукров хотирасига бағишланган "Нафосат — бўстоним маним" санъат анжуманини ташкил этган. Адабиёт ва санъат бўйича Эллиққалъа ижод мактабини яратган. Ушбу ижод мактабида улук устозлар Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов ва бошқа ардоқли адиблардан сабоқ олган ёш қаламкашлар бугун мамлакатимизнинг пешқадам шоир ва адибларига айланган. Неъматулла Худойбергенов 1981 йилда "Хурмат белгиси", 2002 йилда

"Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи" фахрий унвони, 2003 йилда "Дўстлик" ордени, 2022 йилда I даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан мукофотланган.

— Агар Абдулла Ориповнинг Эллиққалъада ёзилган шеърларини тўплаш, уларнинг ўзи бир неча жилд бўлади, — дейди тақдимотда сўзга чиққан Рустам Мусурмон. — Бунинг ҳаммасига Неъматулла акам сабабчи бўлган.

Тадбирда сўз олганлар адабиёт фидойисининг меҳнат фаолияти, инсоний фазилатларига тўхтади. Санъаткорларнинг чиқишлари эса даврага файз бағишлади.

Ушбу китобдан Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййиди, Гулистон Матқубова, Адҳамбек Алимбеков, Гавҳар Ибодуллоева сингари кўплаб адабиёт аҳлининг Неъматулла Худойбергенов ҳақидаги илиқ кечинмалари ўрин олган.

Тарихдан кузатсак, адабиёт ва санъат эътибор бўлган жойда ривожланган, гуллаб-яшнаган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Неъматулла Худойбергенов сингари адабиётни яхши кўрган ва унинг жонқуяри бўлган раҳбарлар кўп бўлиши адабиётимиз ва санъатимиз ривожланишига сабаб бўлар эди.

Фозил ФАРҲОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати бўлими бошлиғи.

АҲОЛИ ВА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАДА?

Рўйхатга олиш жараёнида ҳар бир шахс ва ҳар бир турар-жой мажмуаси ҳақидаги маълумотлар, уларнинг хусусиятлари алоҳида тарзда қайд этилган ҳолда тўпланган. Бу турли хил белгиларнинг ўзаро таснифини ва бир неча белгилар бўйича маълумотларни олиш имконини беради.

Рўйхатга олиш жараёнида шахслар ва турар жойлар тўғрисида олинган маълумотлар аниқ белгиланган ва ягона ҳисоб даврига ёки муайян вақтга тегишли бўлиши керак. Идеал ҳолда, барча шахслар ва яшаш жойлари ҳақидаги маълумотлар бир вақтнинг ўзида тўпланиши керак. Бироқ, агар маълумотлар бир вақтнинг ўзида тўпланмаса, тўпланган маълумотлар бир хил ҳисоб-китоб даврига тегишли бўлиши учун тузатишлар киритилиши керак бўлади.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш мамлакатнинг аниқ белгиланган ҳудуди доирасида шахсларнинг умумий сони, уй хўжаликлари ва уй-жой бирликлари сони тўғрисида маълумот олишни таъминлаши керак. Аҳолини рўйхатга олиш ёки назорат тарихида солиштириш мамлакатнинг маълум бир ҳудудида истиқомат қилувчи ва маълум бир вақтда жойлашган барча шахсларни қамраб олиши керак.



Кичик ҳудудлар бўйича маълумотлар

Рўйхатга олиш мамлакатнинг энг кичик географик ҳудудлари ва аҳолининг кичик гуруҳлари даражасида аҳоли ва уй-жойларнинг сони ва хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имконини беради, шу билан бир қаторда, шахсий маълумотларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш бўйича асосий талабларга жавоб беради.

Рўйхатга олишнинг даврийлиги

Рўйхатга олиш ўрнатилган даврийликда қабул қилиниши, таққослаш мумкин бўлган ахборотни олиш учун мунтазам равишда амалга оширилиши керак. Ҳар 10 йилда камда бир марта рўйхатга олиш тавсия этилади.

Бахтиёр БОЙМУРОДОВ, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

СУД-КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ ИМКОНИАТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

(Боши 1-саҳифада)

Фуқаро К.С. ички ишлар органларида чақиртилганда у Б.М.дан қарз сўрамаганлиги ҳамда олмаганлигини, унга ҳеч қандай СМС хабар юрмаганлигини айтиб, пул олганлигини тан олмаган. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқаро К.С.нинг шахсий мобил телефони текширилганда ундаги СМС хабарлар ўқириб юборилганлиги маълум бўлган. Ички ишлар органлари ходимлари фуқаро К.С.нинг шахсий мобил телефонини ашёвий далил сифатида олиб қўйиб, Республика суд экспертиза марказига экспертиза тадқиқотларини олиб бориш учун юборишган. Ўтказилган экспертиза тадқиқотлари натижасида, ашёвий далил сифатида тақдим қилинган мобил телефон хотирасидан ўқириб юборилган барча хабарлар, фото, видео ва аудио файллар, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар тикланиб, тикланган маълумотлар орасидан фуқаро Б.М.нинг телефон рақамига юборилган ва қабул қилинган хабарлар топилган. Аниқланган хабарлар орасида айнан қарз сўраш мазмундаги хабар-

лар юборилганлиги ва улар ўқириб ташланганлиги аниқланган.

Бошқа бир ҳолатда фуқаро А.О. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига ариза билан мурожаат қилиб, фарзанди бошқарувида бўлган "Собалт" русумли автомобил йўл транспорт ҳодисасига учрагани ва ушбу автомобилга ўрнатилган видеореєстратор қурилмасида йўл транспорт ҳодисасига учраш вақтидаги ҳолатни тўлиқ кўришни имкони бўлмагани сабабли видеореєстратор қурилмаси хотирасидан ўқириб юборилган барча видеотасвирлар ҳамда йўл транспорт ҳодисаси тушиб қолган видеотасвирларни тиклаш тадқиқотлари ўтказилишини сўраган. Мазкур ҳолат юзасидан экспертиза тадқиқотлари учун тақдим қилинган видеореєстратор хотирасидан ўқириб юборилган барча видеотасвирлар тикланиб, фуқаро А.О.ни қизиқтирган ҳолат бўйича йўл транспорт ҳодисаси акс эттирилган видеотасвир ҳам тикланган.

Ҳозирги вақтда суд-компьютер техникавий экспертизаси тадқиқотлари электрон ҳисоблаш техника-



лари, шахсий компьютерлар, тизим блоклари, рақамли маълумотларни сақлаш ва ташишга мўлжалланган хотира қурилмалари, рақамли фото, видео ёзишга мўлжалланган фотоаппаратлар, видеокамералар, видеокўзатув қурилмаларини хотиралари, мобил алоқа воситалари ва бошқа шундай имониятларга эга бўлган техник қурилмаларда олиб борилади. Бугунги кунда рақамли

технологиялар соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош этишда суд-компьютер техникавий экспертизаси йўналишидаги тадқиқотларни ўтказишга қаратилган бир қатор замонавий дастурий-техник воситаларни мисол қилиш мумкин. Масалан, ElcomSoft Password Recovery Bundle, Мобильный Криминалист Эксперт, PC-3000, Belkasoft Evidence Center X,

Х-Ways Forensics, Cellebrite UFED, UFED Cloud, EnCase ва бошқалар. Мазкур махсус техник ва дастурий воситалар экспертга паролланган маълумотларни аниқлаш, уларни очиш ва ўқиш, тадқиқ қилинаётган объектга компьютерларнинг операция тизимларига уланган ҳар қандай қурилмаларни, объектнинг техник имкониятларини аниқлаш, файллардаги қўшимча маълумотларни ўқиш, ўқириб юборилган файлларни тиклаш, операция тизим файлларидан маълумотларни олиш, 800 дан ортқ файл форматларини таҳлил қилиш, электрон почта хатларини таҳлил қилиш, браузер маълумотларини ўқиш, мобил телефонлардаги барча хабарлар, кўнгиноқлар, мессенджерлардаги хабарларни олиш, мобил телефонларда ўқириб юборилган маълумотларни тиклаш, булутли хизматлардаги маълумотларни олиш ҳамда тўлиқ ҳисобот яратиш имкониятларини беради.

Т.А.ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг "Суд-компьютер техникавий экспертизаси" бўлими бошлиғи.

Янги даволаш-диагностика усуллари кенг қўлланиб келинмоқда

Қандай ҳолда культивация бутунлай фойдасиз бўлади?

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда аҳолининг тиббий саводхонлиги анчагина ошган. Бунга етарлича асосларни келтириш мумкин. Бундан ўн-ўн беш йил олдинги ҳолат билан бугунги ҳолат тубдан фарқ қилади. Негаки, тиббиёт кундан-кунга такомиллашиши баробарида, аҳоли орасида ҳам соғлом ҳаётга интилиш кучаймоқда. Бугун тиббиётга оид адабиётлар, саломатлик учун зарур бўлган фойдали тавсия ва маълумотларни исталган кўринишда топиш, ўқиш ва ҳаётга тadbик қилиш имкони бор. Лунда қилиб айтганда, соғлиқ бу кўпинча ўзимизга боғлиқдир. Соғлом турмуш тарзига амал қилсақ, зарарли одатлардан тийилсак, албатта, ҳаётимиз завқли, мазмунли ва гўзал кечади. Шу боис ҳам юртимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботига ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор қаратилмоқда.



Бугун юртимизда аҳоли саломатлигини асрашдаги муҳим тузилма – шошилинч тиббий ёрдам хизмати янада такомиллаштириш, фаолият самардорлиги ва тезкорлигини янада ошириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кўрилаётган таъсирчан чора-тадбирлар самараси ўлароқ, соҳада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Буни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) Сурхондарё филиали мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Вилоят аҳолиси-га ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам хизмати кўрсатиб келаётган марказнинг туманларда 14 та шошилинч тиббий ёрдам қабул бўлимлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз навбатида туманлар аҳолисига малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Тиббий хизмат кўрсатилган. Мурожаат қилган беморларнинг 23 фоиздан ортигини ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами вакиллари ташкил қилади. "Аёллар дафтари", "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатилган. Туманларда ўтказилган тиббий кўриклар давомида филиалдан иштирок этган малакали мутахассислар томонидан ўткир касалликлар аниқланган 47 нафар беморда юқори технологиялардан фойдаланилган ҳолда жарроҳлик операциялари ўтказилган. Филиалда бир йил давомида жами 4939 та жарроҳлик операциялари ўтказилиб, шундан 1850 таси замонавий юқори технологияли аппаратлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Бунинг натижасида, операциялардан кейинги асоратлар сони қарийиб 70 фоизга, ўлим ҳолатлари 0,7 фоизгача камайган.

тромболитик терапия муолажаси кенг йўлга қўйилиб, сўнги 3 йил давомида 123 та муолажа амалга оширилди. Ошқозон ости беши ва ўт йўллари текширишга мўлжалланган РПХГ (эндоскопик ретроград панкреатохолангиография) текшириши ҳамда кам асоратли бўлган асоратли механик сариклик билан кечадиган ўт-тош касаллигида юздан ошиқ текширишлар ва операциялар ўтказилди.

Тиббиёт амалиётига ошқозон-ичак тизимидаги ёт жисмларни олиш ва жароҳатларни бартараф қилиш бўйича 20 дан ортиқ эндоскопия усулида жарроҳлик амалиётлари тadbик қилинган ҳамда ўтказилган. Бир йил давомида филиалда мавжуд Германия давлатининг "Карл Шторц" оператив лапароскопик усунуни қўллаган ҳолда лапароскопик усулда 273 та холецистэктомия, 105 та апендэктомия, 12 та қорин чурчаларини бартараф қилиш, 29 та жигар травмаларида амалиётлар, урология соҳасида "Карл Шторц" фирмасининг диагностика цистоскоп аппарати ҳамда замонавий нефростомик жамланмаларни қўллаган ҳолда 55 та перкутан нефростома, 47 та перкутан цистостома ҳамда 71 та сийдик найини стэндлаш амалиётлари, трав-

матология йўналишида 250 дан ортиқ ёпиқ остеосинтез амалиётлари ўтказилди. Мазкур амалиётларнинг 9 таси Республика етакчи тиббиёт муассасаларининг мутахассислари иштирокида амалга оширилди.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги вентрал чурчаларда аллопластика қўйиш бўйича 149 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Марказда даволаш ва диагностика фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ахборот коммуникация ва замонавий иновацион технологияларни амалиётга тadbик қилишга катта эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига компьютер технологиялари ва мультимедия тизими харид қилинган.

– Муҳтарам Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирининг сайёҳ-харакатлари билан Халқаро ривожлантириш ташкилоти томонидан молиялаштирилган "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш" тўғрисидаги 6210-У3 рақамли дастур ижросини таъминлаш мақсадида, илмий марказ филиали ва туман шошилинч қабул бўлимларига қарийиб 3,5 млрд. сўмга ўндан ортиқ турдаги энг сўнги замонавий тиббий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди ва бугунги кунда халқимизга хизмат кўрсатмоқда, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали бош шифокори Қамариддин Хўжакулов. – Замонавий рақамли "Roller" фирмасининг стационар ва кўчма рентген-диагностика аппаратлари, Италия давлатида ишлаб чиқарилган 5 дона электр жарроҳлик коопулятор, 4 та "Draiger" фирмасининг нархоз сунъий нафас бериш аппарати, 15 та кардиомонитор, 3 та "Mindrai" фирмасининг монитор дефибрилятор, 4 дона стационар ва портатив Дуплер ультратовуш текшируви аппарати шулар жумласидандир. Мазкур замонавий технологияларда ишлаш учун 50 нафардан ортиқ шифокорларимиз қайта тайёргарлик курсларида ўқиб келишди.

Ориф ЖУМАНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Мутахассис тавсиялари

ЎЗА ПАРВАРИШИДА ЧУҚУР ИШЛОВ БЕРИШ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

Мамлакатимизда ғўза ҳосилдорлигини оширишни энг асосий агротехник омиллари қаторида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш натижасида тупроқда намнинг сақланиши мақбуллашади, ғўзанинг намликка бўлган эҳтиёжи қондирилади, суғориш сонини камайтириш имконияти яратилади, тупроқда азэрация жараёни яхшиланади, ўсимликда фотосинтез фаоллиги тезлашади, айниқса, ғўзанинг илдиз тизими яхши ривожланади, пировардида мўл ва сифатли пахта ҳосили олишга замин яратилади.

Республикамизнинг суғориладиган майдонларига тупроқ унумдорлигининг пасайиб бораётганлиги, баъзан ерларга асосий ва амал даврида ишлов бериш ишларининг нисбатан ўз муддатларидан кеч ҳамда сифатсиз ўтказилаётганлиги ҳам бор гап. Шу туфайли, тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида унинг физик, сув-физик хосса-хусусиятлари йилдан-йилга пасайиб, тупроқ қатламлари тобора зичлашаётганлиги, тола сифати ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Кам унумдор ва турли даражада шўрланган тупроқларга чуқур ишлов бериш ҳайдов қатламида тупроқдаги сувда эриган тузларнинг кўтарилишини камайтиради ва намликни мақбуллаштирилади. Ушбу агротехник тadbирни қўллаш натижасида суғориш сувларидан самарали фойдаланиши, минерал ўғитларнинг мақбул қўлдан бериш технологиясини такомиллаштириш кенг тарқалган бўлиб, ушбу агротехнология ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ғўза ҳосилдорлигини оширишдан ташқари тупроқ ҳайдов қатлами унумдорлигини ошириш, тупроқда сув инфилтрацияси ва уни сақлаш хусусиятларини яхшилаш ҳамда тупроқ азэрациясини мўтадил сақлашга қаратилган. Шу туфайли, дунё илдизлари шикастланиб, ўсимлик ўсишдан тўхтабди. Ғўза суғорилгандан кейин 4-6 кун кечиктириб парвариш қилинса, ҳосил 25 фоизга пасайиши кузатилади.

Пахта далаларида ёввойи ўтларнинг кўпайиши ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун салбий ҳолат бўлиб, улар тупроқдаги озука моддаларини учун рақобатлашадилар. Бу борада бизга албатта ғўза қатор ораларига мунтазам ишлов бериш ёрдам беради. Ғўза қатор ораларига чуқур агротехник ишлов бериш нафақат ғўзанинг ўсиши, балки, ғўзанинг илдиз қисмини ҳам ҳимоя қилиши ва уни ривожланиши учун жуда муҳимдир. Ғўза 3-4 чинбарг чиқаришидан шоналагунча, айрим жойларда гуллагунча қадар қатор ораларини бир ёки икки марта чуқурроқ юмшатиш мумкин. Чунки, бу даврда ғўза ўзини анча тўтиб олган, фаол илдизлар тупроққа бирмунча

чуқурроқ кириб борган бўлади. Ғўза парвартириш шоналаш даврида қатор ораларига тупроқ тури ва механик таркибидан келиб чиқиб, 26-28 ва 30-32 см. қатламларда махсус мослама ёки чизель-культиватор ёрдамида чуқур ишлов берилганда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига, микроорганизм турлари ҳамда уларнинг фаоллигига, вилт билан касалланиш даражасига, ҳосил элементларига, тола сифати ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Кам унумдор ва турли даражада шўрланган тупроқларга чуқур ишлов бериш ҳайдов қатламида тупроқдаги сувда эриган тузларнинг кўтарилишини камайтиради ва намликни мақбуллаштирилади. Ушбу агротехник тadbирни қўллаш натижасида суғориш сувларидан самарали фойдаланиши, минерал ўғитларнинг мақбул қўлдан бериш технологиясини такомиллаштириш кенг тарқалган бўлиб, ушбу агротехнология ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ғўза ҳосилдорлигини оширишдан ташқари тупроқ ҳайдов қатлами унумдорлигини ошириш, тупроқда сув инфилтрацияси ва уни сақлаш хусусиятларини яхшилаш ҳамда тупроқ азэрациясини мўтадил сақлашга қаратилган. Шу туфайли, дунё илдизлари шикастланиб, ўсимлик ўсишдан тўхтабди. Ғўза суғорилгандан кейин 4-6 кун кечиктириб парвариш қилинса, ҳосил 25 фоизга пасайиши кузатилади.



Чўмилиш қоидаларига риоя қилинг!

Чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг юз бермаслиги учун авваламбор чўмилиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

Бунинг учун биринчи навбатда об-ҳаво қуёшли ва шамол бўлмаган пайтда, ҳаво ҳарорати иссиқ шароитда чўмилиш тавсия этилади. Қорин оч бўлганда, чарчаганда, чанқаганда, яқинда беморликдан турганда, спиртли ичимлик истеъмол қилинганда, ёлғиз ва офтоб уриш ҳолларида чўмилиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, тақиқланган жойларда чўмилиш, катер ва қайиқларга яқин сузиб бориш, ёш болаларни сувда қаровсиз қолдириш, чегараланган белгилардан ташқарига чиқиш, кўприк, дамба ва кемалардан сувга сакраш, нотаниш жойларга шўнгиш тақиқланади. Қайиқларда сайр қилаётганда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш керак. Эгасиз ва техник носоз қайиқлардан фойдаланиш, сайрга шамол ва ёмғирли об-ҳаво ва ёки қутқарув ва сув чиқариш мосламаларисиз чиқиш, қайиққа рухсат этилгандан ортиқча одам ва юк олиш, сузиш вақтида бир қайиқдан иккинчи қайиққа ўтиш, қоронғи тушганда сузиш мосламаларидан фойдаланиш нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Сувда чўкаётган одамни қутқариш учун қутқарув анжомлари ва қайиқлардан фойдаланилади.

йўқотган бўлса уни сувдан олиб чиқиш анча қулай бўлади. Лекин хушини йўқотмаган одамни қутқариш қутқарувчига ҳам катта хавф туғдиради. Чунки чўкаётган одам саросима ва ваҳимага тушган ҳолда қутқарувчига қаттиқ ёпишиши, уни ҳам сув остига тортиб кетиши мумкин. Шунинг учун чўкаётган одамнинг чангалидан чиқиши ва буксировка қилиш усулларини ҳам ўрганиш лозим. Ўлим ҳолати фақатгина сувда эмас балки, жабрланувчи сувдан олиб чиқилгандан сўнг ҳам кузатилиши мумкин. Жонлантириш тadbирларининг ижобий натижаси уларнинг тўғри ва ўз вақтида кўрсатилганидан кейин амалга оширилади. Агар жабрланувчи хушидан кетмаган бўлса, зудлик билан унинг хўл кийимларини ечиш, танани турли нарсалардан тозалаш, бирорта иссиқ ичимлик ичириш, валериан настойкасини бериш тавсия этилади.

Ж.УМАРОВ, Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, лейтенант, УҲАБИБЖОНОВ, Бекобод ФВБ меъёрий техник бўлими бозлиги.

Ўз – ўтсин саз!

Чўкиш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Ўз келиши билан ҳар хил турдаги сув ҳавзаларига чўмилишга боришга ошиқамиз.

Бу табиий ҳол, албатта. Чўмилиш вақтида кўнгилсиз ҳодисалар ҳам юз бериб туради, афсуски. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Сергеи тумани ФВБ фуқароларга қуйидагиларни тавсия этади: – тақиқловчи белгилар бор ҳудудларда чўмилманг; – Болаларни сув ҳавзалари, анҳор ва қўларга назоратсиз юборманг; – Сузишни билмасангиз чуқур бўлган сув ҳавзаларида чўмилманг;

– Чўмилиш вақтида сувнинг ҳарорати (совуқлигини) ва тезлигини ҳособга олинг; – Чўмилиш учун махсус белгиланган сув ҳавзаларидан фойдаланинг; – Спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўмилишга борманг!

Д.РАЖАБОВ, Сергеи тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ фаолиятини ташкил этиш хавфсизлик тарғиботи бўлими бозлиги, катта лейтенант.

Қатра



Қишлоқ тонги

Қишлоқда тонг эрта отади. Каллаи саҳарлаб хўроларнинг қичқириси бошланади. Очикқан бузоқларнинг онасига талпиниб, маърагани эшитилади.

Қишлоқ одамлари соатга қараб иш юритмайди. Субҳиқондоқ аёлларнинг сигир соғиб, кўчага сув сепаиб, супуриши, деҳқонларнинг даласига шошиб кетаётгани бунга яққол далилдир.

Қўшничилик қадриятлари ажодлардан авлодларга ўтиб боради. Дейлик, "Қўшни товоқ". Қозонда нима қайнашидан қатъий назар қўшнилар бир-бирига илинади.

Қишлоқнинг тўй-ҳашамлари ҳам бошқача. Одатда, қишлоқ одамлари айни пишиқчиликда тўй беради. Оқшом бўладиган никоқ базмига келинлар, қизлар тўп-тўп бўлиб боришади. Қишлоқ хонадонларида бўладиган тўйларнинг шуниси қизиқ-да, алоҳида таклифномасиз ҳам тўйга борилмади. Жарчининг "Фалончиникига тўйгааа!" деган ҳайқириги таклифнома ўрнини босади. Қишлоқ бағри дала-дашларидек кенг, файзли эканлигини бу сўлим гўшанинг яна кўп-кўп жиҳатларида кўрамиз.

Вазира ХўЖАМҚУЛОВА

"Мўъжиза тугайли омон қолганман"

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Риштон туманининг Пандигон қишлоғида туғилиб, ўсган Мирзааҳмад Сулаймонов оддий деҳқон оиласида ўсиб-улғайган, бутун ҳаёти давомида кўп яхши ва ёмон кунларни бошидан ўтказган. Отаси Сулаймон ота деҳқончилик қилар, онаси Тожибу хола унга ёрдамлашарди. Бир аср умр кўраётган ота билан гаплашсангиз юпун юрган болалик даврини эслайди, қийинчиликлар тортганидан афсусланади, бугунги кунга етганидан Худога шукр қилиб, чеҳраси ёришади.



ПЕШОНАСИДАН ЎҚ ЕГАН АСКАР

БУГУН ЮЗ ЁШГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

– Мана, умр ўтапти, – дейди ота-хон қош-киприкларини бир-бир силаб кўркан. – Яратганга шукр қилиб ётибмиз, камчилик йўқ, ҳамма нарса муҳайё. Қани энди яна яшариб қолсам, дейман, ўқийдиган, изланадиган, ўзини кўрсатадиган, боринг-ки олим бўладиган замон келди. Мен ёшлигимда кўп китоб ўқир эдим. Ўқишга китоб қолмаганида туман марказига бориб кутубхонадан бир даста китоб қўлиқлаб келардим. Кўп ўтмай уларни алмаштиригани борардим. Ўзи ишим кўп бўлишига қарамай ўқишдан тўхтамасдим. Бу одатим мени сабр-тоқатли бўлишга, ўйлаб иш қилишга, энг муҳими, тўғри юриш ва ҳалол ишлашга ўргатди. Сўз бойлигим ошди. Урушга борганимда кўроқлик қилмаганман, душманга қарши дадил ўт очардим, доим ўртоқларимга йўл-йўқ кўрсатиб турардим.

– Урушга чақирилган чоғда хаёлингизга нималар келганди?
– Саволингизга жавобни сал узоқдан бошласам. Уруш бошланган даврда Риштон тумани бўйича 5 тами ёки 6 тами ўрта мактаб бўлган, холос. Ўқувчилар еттинчи синфни битиргач, тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлгани ҳақида шаҳодатномани олиб, мактабни тарк этарди. Мен 1932-1938 йиллар давомида Риштон туманининг Пандигон қишлоғидаги мактабда ўқиб, тўлиқсиз ўрта маълумот олдим. Асли шу қишлоқда туғилганман, ота-онам қарамоғида ўсиб, улғайдим. Кейин тақдир тақозоси билан Оқер қишлоғида яшовчи почтамизнинг уйини бузиб, ўрнига бошқа уй қуриб кўчиб келганман ва шу ерда яшаб, қолиб кетдим. 1939-1941 йилларда Марғилон шаҳрида ўқиб, ўрта маълумотли бўлдим. 1944 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Бизни махсус ашelonда қаёққадир олиб кетишди. Дастлаб Қозоғистондаги 118-тайёрлов полкига олиб келишди. Бу ерда милтиқдан, автоматдан, пулемётдан отиш, найза санчиш, граната улоқтириш, ўзини ҳимоя қилиш, окоп қазитиш каби ҳарбийлар бажарадиган ишларни ўргатишди. 1945 йил март ойида немис-фашистларга орқага чекиниб қолди. Шу пайтда бизни иккинчи Украина Фронти 206-ўқчи полки таркибида Чехословакия ҳудудидаги жангларда немис-фашистларга қарши урушга олиб кирди. Мен ҳар жангга кираётганимдан ота-онамнинг олдига эсон-омон борай, ай Аллоҳ мени ўз паноҳинда сақлагин, дея дуо қилардим. Урушнинг якуини, ҳал қилувчи босқинчи борарди. Қочаётган немислар қаттиқ қаршилиқ қилар, "ётиб қолгунча отиб қол" қабалида ўқ-дорини аямая биз томонга ёғдирарди. Улаётганлар жуда кўп бўлиб, "менга ҳам дайди ўқнинг биттаси тегмасайди" деб жонимни ҳовучлаб турардим. Бир пайт каскани тешиб бошимга ўқ тегди. Кўп қон оқарди ва шу даражада қаттиқ оғирди-ки, айтишга тил ошди. Энди ўлдим, деган хаёл келди бошимга. Дарҳол рота командири санитарларни чақирди. Улар мени окоп орқали олиб чиқиб кетишди. Ҳарбий госпиталда даволандим. Уша кунни ўқ бошим терисини ялаб ўтган экан. Ҳайрият суякка ўтмаган экан. Қонни кўриб, қўрққаним узоққа бормади. Кўп эмас, ўн икки кунда тузалиб чиқдим. "Яна жангга кирасан, сендай довораклар керак ҳозир" дейишди. Энди биз фақат олға интилардик. "Ура" садолари далалар бўйлаб янграб қоларди. Душманни қувиш ҳам завқли бўларкан. Агар улар қувганда нима бўлардик, биз ўз уларимизга кетол-

май немис ўқидан ўлиб кетармиким, ёки уларга бир умр қўл бўлиб қолармиким, дея ўйга толаман. Урушнинг қоидаси ўзи шу: ё сен отасан ёки у – душман отади... Бир лаҳзада тақдиринг ҳал бўлади. Собиқ совет қўшинлари ниҳоят ғалабани кўлга киритди. Ундан кейин Япония билан урушга юборилдик. Бу уруш қисқа бўлди. Веркутский деган ердан узил-кесил ғалабага эришиб қайтдик. Уруш тугагандан кейин мени олиб қолишди. 1950 йилгача Собиқ Совет армияси сафида хизматни давом эттирдим. Уша йилнинг кузига бориб эсон-омон уйга кириб келдим. Жангоҳларда қўрқмаган одам бўлмайди. Душманни отсам дейсиз, улар бартараф бўлмагунча уйга кетиш йўқ деб урушасиз. Эсон-омон уйга борсам, ота-онам қай ахволда яшаётган экан, деб хаёлга бериласиз. Ҳамма ерда ҳам қийинчилик эканига ақлингиз етади.

– Шундан сўнг отахон ички ишлар сафига ишга кириши тарихини айтиб берди.

– Хабаровск шаҳрида милиция ходимлари тайёрлаш ўрта махсус ўқув курсига ўқишга кирдим. Ўқиш осон бўлгани йўқ. Давлат кўмағида қаттиқ ўқидик, битириб келганимдан кейин Сўхга паспорт столи бошлиғи лавозимига ишга юборишди. Уша ерда ишлаб, бахтимни топганман. Турғун Абдуллаева деган шу ерлик қизга кўнгли кўйдим. Очқ кўришиш қаерда. Фикрлашдик, аҳдлашдик, мен унга совчи кўйиб, уйландим. Ўзига яраша тўй қилдик. Сўхдан бошқа жойга ишга олинганимда қишлоғимизга олиб келдим. Неча йил бирга яшаган бўлсак, аҳилликда умр ўтказдик. Тўрт фарзанд кўрдик, биргалашиб ўстирдик, тарбияладик. Катта ўғлим Орифжон кулол эди, уйланди, бола-чақали бўлди, аммо вақтлроқ дунёдан ўтди. Қолганлари Худога шукр, ҳаёт. Иккинчи ўғлим Шухратжон педагогика соҳасида ишлаб, пенсияга чиққан, қизим Ҳамроҳон ҳам ўқитувчи бўлиб ишлади, мана ҳозир у ҳам пенсияда. Уйда мен билан қолган Ҳабибжон ўғлим, ота касбини олганидан хурсанд бўлганман. У кўп йил бенуқсон ишлади, хурмат билан пенсияга чиқди. Ҳадаҳон қизим ҳам ўқитувчиликка қизиқиб, катта бўлди. Ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳасса кўшди. Тумандаги Қалайинов қишлоғига турмушга чиқиб, турмуш ўртоғи билан яхши умр кечирди. Ҳозир пенсияда. Ҳабибжоннинг аёли Ферузахон ҳам менга яхши қарайди. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан Президентимизнинг пул мукофотини олиб келиб беришади. Туман поликлиникасидан бир тиббиёт ҳамширасини шахсан менга бикитиб қўйишган, у хар кунни келиб холимдан хабар олади. Раҳмат, барчаларига!

Ота бизга бир суратни кўрсатиб, таъништирди: бу сурат 1950 йили олинган, қаранглар биринчи қаторда ўтирган ўндан учинчи капитан Каримберди Раҳимов, буниси лейтенант Ёқубжон Эргашев, иккинчи қатордан учинчиси, старшина Мирзаали Бобоев. Улар ўз касбининг фидойилари эди, урушга бориб жангоҳларда ўз оиласи, қишлоғи, она-Ватани, элу-халқи учун курашган эдилар. Бу суратни фахрийлар кенгаши Каримберди ота Раҳимовнинг оилавий албомидан олиб, кўпайтириб, бизга ҳам берган эди.

Ота олдидаги суратларни яқинига олиб келиб термулади, яхши кўролмагач, кўзойнагини тақиб олиб қарайди. Уша иш бошлаган йилларидаги таассуротлар гавдаланади шекилли, хотираларини бизга яна гапиргиси келади. Бир асрни қоралаб бораётган бу камтар инсоннинг хотирасига, фикрлашига қойил қолдик ва бугунги осуда ҳаётимизга яна бир бор шукрона келтирдик.

Ҳамид БУРҲОН

Эълон

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida

Mahsulot sertifikatlangan
№ UZ.SMT.01.080.64398163
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Мавсум масъулияти

БУҒДЎЙЗОРЛАРИМИЗНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Ёнғин – тилсиз ёв! Бу бежиз айтилмаган, албатта. Айрим кишиларнинг лоқайдликлари, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашишлари тугайли ғаллазорларда ёнғин чиқиши ва оқибатида қанчадан-қанча етиштирилган халқ бойлиги, халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган дон қулга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.



Шу кунларда туманимизда ҳам ғалла ўрим-йғими қизгин бошланди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари айна ўрим-йғим мавсумини талафотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатади. Аввало, буғдойзорлар яқинида чекиш, очик оловдани фойдаланиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш қатъиян ман этилади. Урим ишлари олиб борилаётган майдонлар яқинида плугли тракторларда навбатчилик ташкил қилиниши, комбайн ва бошқа транспортларнинг айланувчи қисмлари сомон ва хашакдан тез-тез тозаланиб туриши лозим. Шунингдек, комбайн, трактор ва бошқа транспортларга ёқилги қуйиш учун махсус ёқилги қуйиш автоуловларидан фойдаланиш керак. Ёқилги қуйиш пайтларида двигателлар учирилган бўлиши шарт ҳамда тунги пайт ёқилги қуйилмайди.

Дам олиш пайтларида комбайнларни ғаллазорларда қолдириш ҳам ман қилинади. Улар ғаллазорлардан 30 метр четга олиб чиқилиши ва махсус тайёрланган майдонга қуйилиши керак. Ҳурматли ғаллакорлар, ўрим-йғимга жалб этилган масъуллар, комбайнчи, ишчи-хизматчилар! Ўз донимиз – ўз номимиз, унинг нобуд бўлмаслиги учун юқориди айтиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилайлик!

Б.ИРСИМБЕТОВ,
Тошкент тумани ФВБ П ва НБ инспектори, сержант.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

"Обод қишлоқ" дастури амалда!

ДУНЁТЕПА МАҲАЛЛАСИГА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

Маълумки, жорий йилда ҳам давлат дастури асосида юртимизнинг чекка қишлоқ, овулларида замонавий инфратузилма барпо этиш, халқимизга муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Айниқса, узоқ йиллардан бери чекка ҳудудларда тоза ичимлик сувининг йўқлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Жумладан, Денов туманидаги Дунётепа маҳалласи аҳоли ҳам анча йиллардан бери ичимлик суви муаммосидан қийналарди. Яқинда ушбу маҳаллага "Обод қишлоқ" дастури асосида "Binokor – Ahror Saidahmadov" хусусий корхонаси жамоаси томонидан 3,6 километр узунликда янги сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Натигада, 975 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди. Бу эзгу ишлар рўеби учун давлат бюджетидан 10 миллиард сум маблағ сарфланди.

Ўз мухбиримиз.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раймқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-640. 1756 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



Босишга топширилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00